

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МУАССАСАЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНИНГ ТУШУНЧАСИ

*Ички ишлар Вазирлиги Академияси 316-гуруҳ курсанти
Ғаниев Жасурбек Отабек ўғли*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ҳамда барҳам бериш жараёнида профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ишлар самарали юритиш, шу орқали профилактика инспектори томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали алгоритм ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда этибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида маълумотлар, айти жараёнда юзага келаётган муаммо, камчиликлар, уларга барҳам бериш юзасидан таклифлар ёритилган.

Калит Сўзлар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, криминоген вазият, ғайриижтимоий ҳуққ атвор, мамурий ҳудуд, хориж тажриба.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохатлар миллий давлатчилигимиз ва суверинетитини мустахкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳум пойдевор бўлди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқороларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Шундай экан ҳозирги кунда ривожланиб келаётган мамлакатимизда юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатлар самараси шуни кўрсатиб турибдики, фуқороларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жинойтларни барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ва бартараф этиш, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муҳум ўрин эгаллайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири бўлган ички ишлар органларидаги бошқарувнинг асосий шаклларида бири ҳамкорлик, ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий шартларидан бири эса ўзаро келишган ҳолда хизматни ташкил этиш ҳисобланади. Ҳеч бир давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик қилмай туриб, фақат ички

имкониятлари доирасида фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди. Жумладан, ИИО ҳам зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади. Жамоат тартиби ва хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги ҳамкорлик – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усулларида, хизмат ваколатларида самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб бажарадилар. Профессор З.С. Зарипов таъкидлаганидек, ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад – бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларни ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, биргаликда ҳаракат қилишдан иборатдир. Профессор И. Исмаилов ўз тадқиқотларида жиноятчиликка қарши кураш тизимидаги ҳамкорликни шартли равишда тўрт йўналишга:

- а) ички идоравий ҳамкорлик;
- б) идоралараро ҳамкорлик;
- в) жамоатчилик билан ҳамкорлик;
- г) халқаро ҳамкорликка ажратади .

Ички идоравий ҳамкорлик- яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимидаги кирувчи хизмат ва бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорлик;

Идоралараро ҳамкорлик- яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамда улар билан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорлик;

Жамоатчилик билан ҳамкорлик- яъни жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзининг ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик;

Халқаро ҳамкорлик- яъни бошқа давлатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи на жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик. Айтиш жоизки, маҳаллаларда ХТМларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам улар негизида ИИО турли соҳавий хизматлари билан бир қаторда миллий гвардия органи ходимларининг ҳамда улар билан ушбу ҳудуддаги бошқа давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш ҳисобланади. Худудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашга комплекс

ёндашиш принциpidан келиб чикиб ҳамкорликни йулга куйиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг бутун фаолиятини қамраб олади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишдаги ўзаро ҳамкорлик – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Ҳамкорликни ташкил қилишда меҳнат тақсимооти, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланишини аниқлатади. ИИО лари тизимининг қуйи бўғини бўлган таянч пунктларида кўрсатилган ҳамкорлик йўналишларининг айримлари, хусусан, халқаро ҳамкорликни ташкил этишнинг имкони йўқлигини инобатга олиб, таянч пунктлари негизида амалга ошириладиган ўзаро ҳамкорликни иккига ажиратиш мумкун:

а) ички ишлар органлари таркибий тизимига кирувчи тармоқ хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини қамраб олувчи ички ҳамкорлик;

б) ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва аҳоли билан кенг қамровли алоқаларни ўз ичига олган ташқи ҳамкорлик.

Ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси ҳисобланади. 2014 йил 14 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган қуйидаги давлат органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилади:

Ички ишлар органлари

Прокуратура органлари;

Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
Ўзбекистон Республикаси Президент давлат хавфсизлик хизмати органлари;
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари; -Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
Адлия органлари;
Давлат божхона хизмати органлари;
Давлат солиқ хизмати органлари;
Бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари;
Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари;
Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлигининг натижаси ўлароқ, содир этилаётган жиноят ва хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, уларни ҳисобини юритиш ишлари амалга оширилмоқда. Шундай экан, ҳамкорликни ташкил этилаётган вақтда органлар ўртасидаги аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб олиниши зарур. Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар негизидаги ҳамкорлик қуйидаги белгилар билан ўзига хос хусусиятга эга:

- биргаликдаги фаолиятнинг субъект, объект ва предмети мавжудлиги;
- фаолиятга умумий мақсад, вазифа ва йўналишлари мавжудлиги;
- ўзаро бир бирини тушуниш, ўзаро ёрдам кўрсатиш ва ўзаро қўллаб қувватлашга асосланиш;
- ижобий натижаларга эришиш учун интилиш;
- ҳамкорликнинг мукамал (оптимал), ҳар икки томон учун мақбул бўлган шакл ва усулларини қўлланиши;
- ахборот таъминоти ва таҳлилга эгалиги;
- иштирокчиларнинг ҳамкорликни ташкил этиш учун масъуллиги ва биргаликдаги фаолиятнинг баҳолаб борилиши.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар негизидаги ҳамкорлик қуйидаги тамойилларга асосан ташкил этилади:
Конституция ва қонун устуворлиги;

Олдиндан ишлаб чиқилган ва келишилган режа асосида ўтказилиши;
Белгиланган ваколат доирасидан четга чиқмаслик;
ҳар қандай масалаларнинг уюшқоқлик ва тезкорлик билан ҳал этилиши.

Хукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлардан бири бўлган Ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослардан бири Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонундир. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 11 -моддасида ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жинойтлар ва бошқа ҳукукбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлашда, жинойтлар ва маъмурий ҳукукбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жинойт ишларини тергов қилишда, жинойтчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳукукбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб улар ҳамкорлигининг тушунчасига ва ваколатларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Значение сотрудничества непосредственно исполнителей органов и учреждений профилактики правонарушений

Аннотация: В данной статье необходимо обратить внимание на работу профилактического инспектора в процессе предупреждения, борьбы и устранения нарушений, эффективно проводить работу, выполняемую профилактическим инспектором, тем самым разработать эффективный алгоритм предупреждения нарушений, совершаемых профилактическим инспектором. Инспектором в закрепленной за ним области и по борьбе с нарушениями. Выделены сведения об аспектах, проблемах, возникающих в этом же процессе, недостатках, предложениях по их устранению.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика, электронное правительство, информация, данные, научные и перспективные технические средства, алгоритм, зарубежный опыт.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Бобохонов А.А. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги.
2. Пулатов Ю.С., Исмаилов И., Қурбонов А. Ички ишлар органларида
3. бошқарув асослари: Дарслик.
4. Исмаилов.И Терроризмга қарши кураш // Қонун ҳимоясида.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги " "
 Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонуни.